

## Олимпиада иштирокчиларининг мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби

Хурматли олимпиаданинг иштирокчи талабалари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасалари талабалари республика онлайн фан олимпиадасини 2021 йилда ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида”ги **2021 йил 31 март 159-сонли буйруғи** билан республика онлайн фан олимпиадасини **Низоми** тасдиқланган.

Ушбу Низомнинг **4-боби**да олимпиадани ўтказиш босқичлари ва тартиби белгиланган, унга кўра:

**4.10-банд**-Олимпиада натижалари эълон қилингандан сўнг **24 соат ичида** тушган ёзма шикоят ва аризалар тегишли ташкилий қўмита томонидан онлайн ёки телефон алоқаси орқали ҳал этилади ёки тушунтириб берилади.

**4.11-банд**-Олимпиада иштирокчиларининг ахборот-коммуникация технологияларининг имконияти ва қурилмаларидаги техник носозликлар бўйича шикоят ва аризалар кўриб чиқилмайди.

Қуйида аризанинг **намунаси** келтирилган ёзма мурожаат ушбу намуна асосида кўрсатилган манзилга юборилади.

Мурожаат учун:

+99871-207-03-45

+99890-966-36-66 телеграм рақам

[iqtidor@edu.uz](mailto:iqtidor@edu.uz) электрон почта

**НАМУНА**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги  
Олий таълимни ривожлантириш  
тадқиқотлари ва илғор технологияларни  
татбиқ этиш маркази директори  
З.Хакимовга  
**ОТМ номи,**  
**Ариза муаллифининг Ф.И.Ш.**

**АРИЗА**

Ариза мазмуни.....

**Электрон манзил ва телефон рақам**

**Сана**

**имзо**

**Ф.И.Ш.**